“O`ZMILLIYBANK” AJ YASHNOBOD BANK XIZMATLARI MARKAZI

МАЖЛИС БАЁНИ № 1

2026 йил “18” феврал **Тошкент шаҳри**

Мажлис Раиси: С.Н.Шеров – “Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ бошқарувчи в.б.

Қатнашди: Бошқарувчи ўринбосарлари, бош бухгалтер, Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси бош мутахассиси, ходимлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси, ички назорат хизмати ходими, бўлим ва сектор бошлиқлари, масъул ижрочи ходимлар ва касса ходимлари.

Мажлисни ўтказди: Яшнобод тумани ИИО ФМБ Жиноят қидирув бўлими Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўлинмаси катта инспектори **Давлетов Алишер Шавкатович** ва бўлинма инспектори **Абдухаликов Нуржан Арапбой ўғли.**

КУН ТАРТИБИ:

“Ўзмиллийбанк” АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг 2026 йилга мўлжалланган ҳуқуқий-тарғибот ва профилактик чора-тадбирлар режасига асосан, БХМ ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибот ва профилактик чора тадбирлар мавзусида давра суҳбати ва профилактик тушинтириш ишлари.

Йиғилишни “Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ бошқарувчиси С.Шеров очиб, йиғилиш қатнашчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништириб, сўзни Яшнобод тумани ИИО ФМБ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўлинмаси катта иинспектори А.Давлетовга берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан А.Давлетов сўзга чиқиб, бугунги кунда Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири бўлиб, ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий зарар етказиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келиши, шу боис, унга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этиб, республикамизда ҳам долзарб муаммолардан бири эканлигини такидлади.

Президентимиз томонидан ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан республикамиздаги барча давлат ташкилотлари ва иқтисодиёт билан боғлиқ соҳалардаги коррупция ва бошқа муаммоларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини, давлат раҳбарининг коррупция илдизи билан йўқ қилинмас экан олиб борилаётган ислоҳатлар амалга ошмаслигига бир неча маротаба урғу бераётганлигини айтиб ўтди.

Маърузачи коррупция тушунчасига тўхталар экан, бу - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши эканлигини такидлаб ўтди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари тизимли равишда яратилмоқда. Хусусан, 2021-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4-бандида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланганди.

Суҳбат давомида, А.Давлетов республикамизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлигини ва бугунги кунга келиб бир қатор ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан:

- илғор хорижий тажриба асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш механизми жорий этилди;
- Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада оммавий ахборот воситалари ролини оширишга қаратилган муҳим хужжатлар қабул қилинди;
- бир-бирини такрорловчи ваколатга эга давлат органларини оптимизация қилиш, уларнинг ихчамлигини ошириш, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш бўйича чоралар кўрилди;
- Давлат бошқаруви тизимида "инсон омили"ни камайтириш ҳамда давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари янада ривожлантирилди;
- Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди;
- Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 450 дан ортиқ қонун хужжатида белгиланган 18 турдаги маълумот ва хужжатларни аҳоли ва тадбиркорлардан талаб қилиниши бекор қилинди, ушбу хужжатларни ваколатли давлат органлари томонидан "Электрон хукумат" платформаси орқали олиш тартиби жорий этилди.

Президентимизнинг кўрсатмасига биноан коррупцияга қарши курашда давлат органлари ва хўжалик юритиш субъектларида "комплаенс-назорат" тизимининг кенг жорий этилиши амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш "комплаенс-назорат" тизимини жорий этиш, самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашишни тегишли коррупцион стандартга мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш бўйича тегишли вазифалар илгари сурилган. Ушбу белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Коррупицяга қарши курашиш агентлиги томонидан 26 та вазирлик ва идораларда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши ички назорат "комплаенс-назорат" тизимини жорий этиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Суҳбат давомида маърузачи тижорат банклари ходимлари томонидан ҳам бир қатор қонунбузарликлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, шу йилнинг январ ойида Яшнобод туманида жойлашган тижорат банкларидан бирининг ходими мижоздан алдов йўли орқали банкга тўлов қилиниши керак бўлган пул маблағини ўзлаштириб, уни "1xbet" қимор ўйинига тикиб юборган. Ҳозирги кунда ушбу ходим қўлга олиниб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб тергов ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари банк ходимлари томонидан ҳозирги кунда кенг оммалашган жиноятлардан бири бу

фирибгарларга маълум миқдордаги пул эвазига мижозлар тўғрисидаги маълумотларни етказишдир.

Суҳбат сўнгида А.Давлетов банк ходимлари томонидан коррупция холатларига йўл қўймаслик ва бу борада амалга оширилиши керак бўлган профилактик тадбирлар юзасидан қуйидаги йўналишлар бўйича алохида тўхталиб ўтди:

- Банк сири тўғрисидаги Қонун талабларига қатъий риоя этиш;
- банк тизимида маблағларни талон-торож қилиш, банк хизматларини кўрсатиш, айниқса кредит ажратишдаги суистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўймаслик ва бу борадаги коррупцион ҳолатларни одини олиш;
- давлат дастурлари, шу жумладан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредит маблағларини мақсадли сарфланишида, кредит маблағларини банк мансабдор шахслари томонидан талон-торож қилинишига йўл қўймаслик;
- банк мижозлари билан доимий равишда фирибгарлик усуллари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ходимларга тотализатор ва азарт ўйинлар ўйнашни тақиқлаш;
- тақиқланган диний маърузаларни турли ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш;
- ходимларнинг мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ҳақида банк раҳбариятини огоҳлантириш.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, Йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияни олдини олиш ва курашиш соҳасида қабул қилинган Қонун, Фармон ва Қарорлар ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖда коррупцияни олдини олиш бўйича қабул қилинган ички норматив хужжатларни чуқур ўрганиш ва кўрсатилган талабларга сўзсиз риоя этилиши таъминлансин.
2. Давлат дастурлари, шу жумладан тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш учун ажратилаётган ва бошқа имтиёзли кредит маблағларининг берилиши ва мақсадли сарфланиши устидан доимий мониторинг қилиниши кучайтирилсин.
3. Банкнинг бўлим бошлиқлари ўз ваколат доирасида хизмат вазифасига кирадиган профилактик амалий тадбирларни жадаллаштириш, банкдаги мухит, ходимлар ўртасидаги муносабатлар, атрофдан келиб тушадиган салбий маълумотлар бўйича раҳбариятга зудлик билан тегишли билдирги ва маълумотлар бериб бориш вазифалари юклатилсин.
4. Ходимларни ишга қабул қилишда, бошқа ишга ўтказиш ва ходимлар билан иш жараёнида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чоралари кўрилсин ва назоратга олинсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ
бошқарувчиси в.б. **С.Шеров**

Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш
бошқармаси бош мутахассиси **Б.Шаюсупов**

“Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ ўтказилган
ўқув машғулоти семинарида қатнашган ходимлар рўйхати:

№/№	Ф.И.Ш.	Имзо
	Бочаева Д	
	Дмитриева Д	
	Новатова М	
	Хашимова У	
	Новиканова Н	
	Нуритдинова Н	
	Нодирова Д	
	Маматова М	
	Тиллаева Д	
	Абдуллаева Д	
	Маматаримова Д	
	Умарханова Г	
	Бекмахова М	
	Сатволдиева Н	
	Дмитриева Д	
	Ахмедова М	
	Ходжиев Г	
	Амирджанова Зилола	
	Новиянова Мохбуза	
	Рустамов Муззаффар	
	Миродов Ҳолзамон	
	Умурзакова Нигора	
	Жамалиева Фируза	
	Назарова Зарина	
	Руконбаев Шерзод	
	Юлдашева Кимматхон	
	Кадирова Мехроджон	
	Усманова Озодахон	

	Назарова Парвина	
	Мустафоев Эдуард	
	Рашитов Дилмуч	
	Каюмова Ирода	
	Хотамов Камронбек	
	Чолданвоев Шерзбек	
	Махмудов Шохжахон	
	Миржомонов Азиз	
	Нуреева Зилолаи	
	Рабуллина Диана	
	Рузматова Мадина	
	Амирқулов Абдурайхон	